ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МАМЛАКАТГА 455.423 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИБ, ДАВЛАТ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 230 (721)

23 НОЯБРЬ ЖУМА 1956 ИИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Бутун кучни она-Ватанимизга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган янги социалистик мажбуриятимизни бажаришга сафарбар қилайлик!

Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг янги муваффақиятлари учун!

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари кеча республикада биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш давлат планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Мамлакатга 455.423 тонна пахта топширилди. Бу — ўтган йили шу муддатгача топширилган пахтадан 100 минг тонна ва 1955 йилда топширилган пахтадан 70 минг тонна кўпдир. 190 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ҳозирнинг ўзидаёқ 24 центнердан, ўтган йилдагига нисбатан гектарига 3,6 центнердан кўп ҳосил олинди. Топширилган пахтанинг 86 процанти биринчи сортга қабул қилинди.

Бу муваффақиятлар областимиз колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари ҳамда барча меҳнаткашларнинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш йўлида фидокорона қилган меҳнатлари натижасидир. Давлат пахта тайёрлаш пунктларига топширилган 455.423 тонна пахта — олтинчи беш йиллик план Директиваларини бажариш соҳасида қўйилган дастлабки қадамдир, совет пахтачилигини янада ривожлантириш ишига, халқ фаровонлигини тўхтовсиз юксалтириш ишига қўшилган жуда катта ҳиссадир.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғоят катта ёрдамларга таяниб пахтадан ҳар йилдагидан ҳам кўп ҳосил етиштирдилар. Область колхоз ва совхозларида янги агротехника усулларининг кенг суратда қўлланганлиги, чигитнинг квадрат-уялаб ва тор қаторлаб экиланлиги, ғўзани яганалаш ишларининг машиналаштирилганлиги ва узунасига ҳамда кўндалангига қараб ишланганлиги — буларнинг ҳаммаси ғўзанинг яхши ўсишига ва мўл ҳосил тўпланишига ёрдам берди.

Бу йил ҳосил йиғим-терими ниҳоятсиз ҳаракат билан ўтказилди. Оржоникидзе, Ўртасарой, Юқори Чирчиқ, Сирдарё, Пискент, Мирзачўл, Бўстонлиқ ва Октябрь районларининг пахтакорлари пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари адо этиб, катта муваффақиятларга эришдилар. Республикамизнинг энг юқори ҳосилли районларидан бири ҳисобланган Оржоникидзе районида 5938 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 38 центнерга етказиб ҳосил олди. Район пахтакорлари даладаги барча ҳосилни сўнгги граммигача сира нобуд қилмай тезроқ йиғиб-териб олиш ва кузги шудгорлашни тезроқ тамомлаш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Бир қатор районлар пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Бу йил совет пахтачилиги тарихида, ҳосилнинг умумий салмоғини ошириш соҳасида кескин бурилиш йили бўлди. Пахта учун курашда ўз ишини яхши биладиган ва севадиган, куч-қувватини аямасдан ҳормай-толмай сидқидил билан ишлайдиган ажойиб пахта усталари ўсиб етишди. Областимиздаги жуда кўп колхозлар ҳар гектар ердан 30-40 центнердан, ўнлаб бригадалар 40-50 центнердан ва юзлаб звенолар 50-60 центнердан ва ундан ошириб ҳосил олаётган эканлар, бу — шонли пахтакорларимиз кўрсатган ғайрат-ташаббус ва зўр маҳоратнинг ажойиб мевасидир.

Бу йилги мавсумда кўп минг килограммчилар ҳаракати оммавий тус олди, бутун республикага донгги кетган машҳур теримчи Соадат Гулаҳмедова сингари чевар теримчиларнинг сони анча кўпайди.

Ҳосилни йиғиб-териб олишда республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари, шунингдек Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларининг меҳнаткашлари, олий ва ўрта ўқув юртларининг студентлари, ҳунар мактабларининг, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг ўқувчилари катта ёрдам бердилар. Ўз ватанпарварлик бурчларини садоқат билан бажариб, бирадарларча ёрдам берганликлари учун, йиғим-терим ишларидаги фидокорона меҳнатлари учун қишлоқ меҳнаткашлари улардан чексиз миннатдордирлар.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XX съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, партия ва ҳукумат томонидан ҳар томонлама берилаётган катта ёрдамларга таяниб, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам яхши натижаларга эришдилар. Канон ва жут экувчи колхозлар давлатга 115 минг тонна каноп пояси ва жут топшириб, давлат планини 131 процент бажардилар ва бу экинларни етиштириш юзасидан олтинчи беш йилликнинг сўнгги йили учун белгиланган топшириқни бир йил ичида анча ошириб адо этдилар. Ўтган йили ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йилги ўртача ҳосил 55 центнерга етди.

Область колхоз ва совхозлари картошка, сабзавот, полиз экинлари ва узумни ўтган йилдагига нисбатан 1,5-2 баравар кўп етиштирдилар ҳамда бу экинларни тайёрлаш ва ҳарид қилиш давлат планларини анча ошириб бажардилар. Пилла тайёрлаш 1955 йилдагига қараганда икки баравардан кўпроқ ошди. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш давлат плани, ғалла, жун, қоракўл тери, хом тери, мўйна ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планлари ҳам бажарилди. Мана буларнинг ҳаммаси колхозлар даромадининг ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баравардан кўпроқ ошишини ҳамда колхозчилар моддий фаровонлигининг янада юксалишини таъминлади.

Қишлоқ хўжалигини, даставвал унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни юксалтириш соҳасида эришган муваффақиятларимиз бизда хотиржамлик ва беғамлик кайфиятларини туғдирмаслиги керак. Бу ютуқлар аксинча уюшқоқлик ва талабчанликни янада кучайтириши, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли суратда якунлаш соҳасидаги ҳамма ишларни тезликда амалга оширишга сафарбар этиши лозим.

Кўп иш қилинди, аммо бизнинг бажарадиган ишларимиз ҳали ҳам оз-мунча эмас: Даладаги бутун ҳосилни сўнгги граммигача сира нобуд қилмай тезроқ йиғиштириб олиш, ғўзапояни юлиб, кузги шудгорлашни ҳар тарафлама кучайтириб юбориш, чорва молларининг қишловини намунали ташкил этиш ва 1957 йилда пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлайдиган кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказиш керак. Мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган янги социалистик мажбуриятнинг бажарилишига эришиш ва бу билан ўзбек халқининг 3 миллион тонна пахта учун олиб бораётган курашига муносиб ҳисса қўшиш — областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ватанпарварлик бурчидир.

Декабрь ойининг биринчи ярмида Тошкентда республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг навбатдаги традицион қурултойи ўтказилади. Қурултойда қишлоқ хўжалик йили якунланади, Ўзбекистонда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш вазифалари муҳокама қилинади. Барча имконият ва резервларни ишга солиб, қурултой очиладиган кунгача пахтанинг ҳаммасини йиғиштириб олиш, ерни шудгорлаб қўйиш — партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, МТС, колхоз ва совхоз раҳбарларининг жанговор вазифасидир.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Олий Совети Президиумининг барча колхозчиларга, совхоз ва МТСларнинг ишчилари ва хизматчиларига, қишлоқ хўжалиқ мутахассисларига, ҳамма меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаатида бундай дейилган:

«Колхозчилар, МТС, совхоз ишчилари ва хизматчилари, ўртоқлар! Социалистик мажбуриятнинг бажарилиши эндиликда фақат Сизга, Сизнинг қаҳрамонона меҳнатингизга боғлиқдир.

Эндиликда ҳар бир кун, ҳар бир соат қимматли ва ғаниматдир. Мажбуриятни бажариш муддати кам қолди, кунлар эса яна ҳам қисқарди. Шу пайтда бой берилган ҳар бир соат бир кунга баравардир. «Олтин заррасини топса бўлди, вақтни топиб бўлмайди!» дейди халқ».

Фурсатни қўлдан бой бермайлик, бутун кучни мамлакатга 500 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган янги социалистик мажбуриятимизни бажаришга сафарбар этайлик! Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг янги муваффақиятлари учун астойдил курашайлик!

Тошкент области пахта тайёрлаш планини бажарди

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошираборибф партия ва ҳукумат томонидан ҳар томонлама ва доимий суратда кўрсатилаётган ёрдамга таяниб, 1956 йил 21 ноябрда пахта тайёрлаш давлат планини бажардилар. Давлатга 455.423 тонна пахта — 1955 йилнинг шу давридагидан 100 минг тонна ва бутун ўтган йилдагига нисбатан 70 минг тонна кўп пахта топширилди. Пахтанинг 86 процанти биринчи сортга қабул қилинди.

190 минг гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозироқ 24 центнердан, ўтган йилдагига қараганда, 3,6 центнердан кўп пахта олинди.

Пахта йиғим-терими давом эттирилмоқда. Область меҳнаткашлари барча ҳосилни нобуд қилмай қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш, олинган социалистик мажбуриятни бажариш ва бу билан ўзбек халқининг 3 миллион тонна пахта учун олиб бораётган курашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун курашмоқдалар.

Пахта ҳосилини ошириш ва пахта етиштиришни кўпайтириш асосан колхозлар, МТС ва совхозларнинг пахта етиштиришдаги янги, прогрессив методларга қатъий равишда ўтганликлари туфайли мумкин бўлди. Колхоз ва совхозлар ҳамма майдонда чигитни торайтирилган қаторларга экдилар, ғўзаларни квадрат-уялаб жойлаштиришни ва икки томонга қараб машиналар билан ишлашни кенг миқёсда жорий қилдилар.

Бу йил ҳосил йиғим-терими ниҳоятсиз ҳаракат билан ўтказилди. Бу эса ҳосилнинг асосий қисмини қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш ва давлатга юқори сортлар билан топшириш имконини берди.

Ҳосилни йиғиб-териб олишда бу йил Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари, шунингдек Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларининг меҳнаткашлари, олий ва ўрта ўқув юртларининг студентлари, ҳунар мактабларининг, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг ўқувчилари айниқса катта ёрдам бердилар.

Пахтакорлар шаҳар меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчиларнинг берган ёрдамларини юксак баҳолаб, ана шу ватанпарварлик ҳаракат учун, йиғим-терим ишларидаги фидокорона меҳнат учун уларга ўзларининг чуқур миннатдорчиликларини изҳор қилмоқдалар.

Тошкент областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам каттагина натижаларга эришдилар.

Луб экини экувчи колхозлар давлатга 115 минг тонна каноп пояси ва жут топшириб, планни 131 процент бажардилар ва бу экинларни етиштириш юзасидан олтинчи беш йилликнинг сўнгги йили учун белгиланган топшириқни бир йил ичида анча ошириб адо этдилар. 1956 йилда каноп ва жутнинг бир гектардан олинган ўртача ҳосили 55 центнергача етди, 1955 йилда гектаридан 37 центнердан ҳосил олинган эди.

Область колхозлари ва совхозлари ўтган йилдагига нисбатан картошка, сабзавот, полиз экинлари ва узумни бир ярим-икки баравар кўп етиштирдилар ҳамда бу экинларни тайёрлаш ва ҳарид қилиш давлат планларини анча ошириб бажардилар. Пилла етиштириш ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан ҳам зиёдроқ кўпайди.

Колхозлар ва совхозлар жамоат чорвачилигини ривожлантириш давлат планини қорамол бўйича ҳамда алоҳида равишда сигирлар бўйича, қўй ва эчки бўйича бажардилар, чўчқаларнинг сони бир ярим баравар кўпайди. Колхозларда чорвачиликнинг маҳсулдорлиги анча ошди. Сут етиштириш бир ярим баравар кўпайди. Давлатга ўтган йилдагига нисбатан 6,2 минг тонна ортиқ сут топширилди, ҳар бир соғин сигирдан сут соғиб олиш плани ошириб бажарилди ва ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутнинг миқдори 227 килограмм кўпайди. Областнинг шаҳарларида ва ишчи посёлкаларида аҳолига сут ва сут маҳсулотлари сотиш кенг миқёсда ташкил этилди. Чорвачиликнинг ем-хашак базаси ҳам яхшиланди. Колхозларда ва совхозларда маккажўхори сингари қимматли экинларни етиштириш анча кенгайтирилди. Бу тадбир шу йилда ҳар бир соғин сигир учун 6 тоннадан силос бостириш имкониятини берди.

Ғалла, жун, қоракўл тери, хом тери, мўйна ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давлат планлари бажарилди.

Мана буларнинг ҳаммаси колхозлар даромадининг ўтган йилдагига нисбатан бир ярим баравардан ҳам кўпроқ оширилишини таъминлади ҳамда колхозчилар моддий фаровонлигининг янада юксалишини таъминлади. Область қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишда эришилган муваффақиятлар партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини кескин даражада юксалтиришга қаратилган доно сиёсати натижасидир.

Областнинг партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, машина-трактор станциялари, колхоз ва совхозлари ҳозирги вақтда ўзларининг куч-ғайратини бутун пахта ҳосилини тезроқ йиғиштириб олишга, кузги шудгор қилиш ишларини кучайтириб юборишга, чорва молларининг қишловини намунали ташкил этишга ва 1957 йилда пахтачиликнинг ҳамда қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг янада ривожлантирилишини таъминлайдиган кузги-қишки тадбирларни кўришга сарфламоқдалар.

Тошкент областининг меҳнаткашлари партия XX съезди томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш учун ўзларининг куч-қувватларини аямайдилар, ўзбек халқининг совет пахтачилигини янада ривожлантириш учун олиб бораётган курашига, партия ва ҳукуматнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш юзасидан қўйган вазифаларини муддатидан илгари бажариш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ғафур ҒУЛОМ.

Виждон ҳурмати

(ТОШКЕНТ ПАХТАКОРЛАРИГА БАҒИШЛАЙМАН).

Шеъримни бошларкан ой болқиан эди
Кумушдек сочимни эркалаб ўтиб.
Ва сўнгги сатримда кун боқиан эди
Яна бир янги тонг зарталаб ўтиб.
Қоронғу кўрмадим бутун умримда,
Зулмат кечалари эсимдан узоқ.
Бир машъал ёнади доим фикримда
Қуёшдан нур олган ойдек ярқироқ.
Дилимда борини айтиб турмасам;
Сиз ризо бўлмайсиз, жонимга қийин.
Ватаним бу кунки шунчалар кўркам
Не чирой топаркан юз йилдан кейин.
Кўзимдан ойнакни ирғитиб ташлаб
Келажак қиссасин ёзишим керак.
Йигитлик умрини қайтадан бошлаб
Минглаб кон бағрини қазишим керак.
Узоқ-узоқларга тикилган чоғда
Бағримни эркалар ватан нафаси.
Келинчак қизлардек йигит қучоғда
Минг йилга чақирар ҳаёт ҳаваси.
Ҳар бир тонготарнинг атлас жамоли
Кўзимни эркалар дилимга роҳат.
Инсон деган сўзнинг етук камоли
Ҳар бир киши қалбига эўр истироҳат.

Ассалом сўзидек ғоят ёқимли
Нондек катта неъмат ўзимизники.
Сувдек, яшамоқдек ғоят тотимли,
Туздек ширин ҳурмат ўзимизники.
Қайроқкум ГЭСининг «Фарҳод»дай нури
Ленининг кўзидай бизга боқиандир.
Юракда шарқ халқин равшан ғурури
Владимир Ильич чироқ ёққандир.
Бошимни пахтадай баланд кўтариб
Энтикиб кутганим хушхабар келди.
Пахтадай бошимни хурсанд кўтариб
Халқимнинг бошига гулчамбар келди.
Ғалабанг муборак тошкентлик дўст,
Халқимиз обрўсин кўкдан оширдинг.
Ялакат бодомдай қўшмағзу бир пўст
Ҳатто шоирингни йўлда шоширдинг.
Беш юз минг тоннадек тонг ҳам отибди
Пойтахт шарафи — Ватан шарафи.
Лекин олтинларга тўлиб ётибди
Бўлиқ еримизнинг ҳар тўрт тарафи.
Она республикам куни эртага
Пахта байрамига етмакка тайёр.
Виждоним ҳурмати етади менга
Деса: — Ғафур деган шоирим ҳам бор!

Ўзбекистон КП Октябрь район комитетига ва район ижроия комитетига

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Октябрь районининг колхозчиларини, МТС ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва комсомол ходимларини 1956 йил давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарганликлари билан табриклайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қониқиш билан қайд қиладиларки, район колхозлари Тошкент шаҳар Куйбишев районининг меҳнаткашлари, Педагогика институти коллективи, шунингдек Калинин район колхозчиларининг актив ёрдами билан 21 ноябрда давлатга 22549 тонна пахта топширдилар. Ҳар гектар ердан 24,14 центнер ёки ўтган йилдагига нисбатан 3,14 центнер кўп ҳосил олинди. Район колхозлари давлатга яна 1800 тонна ёки ҳар гектар ердан 1,9 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишонч билдирадиларки, Октябрь районининг колхозчилари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ва комсомол ташкилотлари пахта ҳосилининг ҳаммасини йиғиб-териб давлатга топширишни таъминлайдилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш мажбуриятларини бажарадилар, 1957 йил мўл ҳосили учун кузги шудгорлашни ўз вақтида тугаллайдилар. Чорва молларини қишловини намунали ўтказадилар ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар, МТС ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ғаниев**) берилсин. Бу район социалистик мусобақада яхши натижаларга эришиб, 16 ноябрдан 21 ноябргача давлатга пахта топшириш юзасидан олган мажбурияти ҳисобидан 3,14 процент миқдорида пахта тайёрлаган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

Кўчма Қизил байроқ Бекобод районига Калинин районидан олиб берилсин.

Область ижроия комитети ва область партия комитети ноябрь ойининг тўртинчи беш кунлигида **Калинин, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ** ва **Бўстонлиқ** районларидаги колхозларнинг яхши ишлаганликларини қайд қилдилар.



ТЕЛЕГРАММА

ЛИВАН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ КОМИЛ ШАМУИ ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

БАЙРУТ.

Ливан Республикасининг Миллий байрами Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Президент жанобларига ва бутун Ливан халқига Совет Иттифоқи халқлари номидан ва шахсан ўз номимдан самимий дўстона саломлар йўллайман.

Совет халқи ўз миллий мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун адолатли кураш олиб бораётган бошқа араб мамлакатларининг халқлари сингари Ливан халқини ҳам якдиллик билан қўллаб-қувватлайди.

Сиз, Президент жанобларидан шахсан Сизга бахт-саодат тилаб, Ливан Республикаси халқига равнақ тилаб ҳамда Яқин Шарқда тинчлик ва хавфсизлик учун халқлар олиб бораётган умумий курашда муваффақиятлар тилаб билдирган самимий истакларимни қабул қилишингизни сўрайман.

К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

1956 йил 21 ноябрь.
Москва, Кремль.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. А. БУЛГАНИНГА АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕРИ Ю. РААБНИНГ МАКТУБИ

Шу йил 16 ноябрда Москвадаги Австрия Элчихонасидан Австрия канцлери Ю. Раабнинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин номига ёзилган қуйидаги хати олинди.

«Вена, 1956 йил 27 октябрь.

Бош Министр жанобларига!

Сиз Австрия байроғи куни, Австриянинг доимий бетарафлиги эълон қилинганининг йиллиги муносабати билан ўз табригингиз ва истакларингизни, шунингдек совет ҳукуматининг табрик-истакларини шунчалик илтифот қилиб юборгансиз.

Бу илтифот мактуби учун мен Сизга чин кўнгилдан ташаккур айтаман ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар халқларимизнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам муваффақиятли равишда ривожланаверади, деб умид билдираман.

Бош Министр жанобларига, менинг энг юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Юлиус РААБ.
СССР Министрлар Советининг Раиси Маршал Николай А. БУЛГАНИН Жаноб Олийларига».

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛГАН ИНДОНЕЗИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ ТЕЛЕГРАММАСИ

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси П. ЛОБАНОВ Жаноб Олийларига

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. ЛАЦИС Жаноб Олийларига

МОСКВА ШАҲРИ

Эсон-омон Жакартага қайтиб келдик. Парламент делегациясининг аъзолари Совет Иттифоқи халқи томонидан самимий кутиб олинганликлари ва катта эътибор кўрсатилганлигидан миннатдордирлар.

ХАРДИ,
Индонезия парламент делегациясининг бошлиғи.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ИИЛ 22 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	0,68	113,32
Пискент	0,53	110,20
Оржоникидзе	0,41	110,01
Юқори Чирчиқ	0,63	109,86
Ўртасарой	0,50	105,31
Сирдарё	0,29	103,02
Мирзачўл	0,32	100,48
Октябрь	0,88	100,22
Гулистон	0,55	99,30
Бўка	0,34	99,06
Верхне-волинск	0,43	97,00
Калинин	0,91	95,83
Оҳангарон	0,97	93,93
Қуйи Чирчиқ	0,39	92,50
Бекобод	0,74	92,26
Чиноз	0,58	92,18
Янгийўл	0,38	91,86
Оққўрғон	0,42	91,37
Боёвут	0,58	88,43
Ўрта Чирчиқ	0,51	88,02

Ғолиб пахтакорларга

Пахтачиликни ривожлантиришнинг муҳим резервлари

И. ЮНУСОВ,
Ўртасарой район партия комитетининг секретари

КПСС XX съезди мамлакатга мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришни бизнинг олдимизга асосий вазифа қилиб қўйди. Районимиз колхозчилари ва механизаторлари ана шу шарафли вазифани бажариш учун курашиб, бу йил катта майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар.

Пахтакорларимизнинг МТС механизаторлари билан ҳамкорликда аввал баҳордан буён қилган фидокорона меҳнатлари ўзининг самарали натижаларини берди. Район колхозлари шу кунгача ҳар гектардан 26 центнердан, ёки ўтган йилга қараганда гектаридан 5 центнердан кўп пахта топшириб, социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Кўпгина колхозлар, ўнларча бригада ва звеналар бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ошириб адо этдилар. «Полярная звезда» колхозининг аъзолари 1000 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ҳозиргача 35 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. «Северная маяк» колхози гектаридан 32,4 центнердан, Свердлов номли колхоз 32,6 центнердан пахта топшириб, ҳосилдорликни анча оширдилар.

Бу йилги мўл ҳосил учун кураш процессида ва йиғим-терим кампаниясида ажойиб пахта усталари ҳамда мавсумда ўн минг ва ундан ҳам ортиқ пахта териш мумкин эканлигини амалда исбот қилаётган чинакам меҳнат қаҳрамонлари етишиб чиқди ва уларнинг сафи кенгайди.

1954 йилдан буён ўтган даврнинг ҳосилдорлик гектарига 9 центнердан ортди, пахта ялпи маҳсулоти 14.543 тоннадан 20.700 тоннага кўпайди. Биз бу муваффақиятларга қандай қилиб эришдик?

Аввало шуни айтиш керакки, район партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари ва бошланғич партия ташкилотлари камқувват ва камҳосилли колхозларни қолоқликдан чиқариш, уларни ўрта ва илғор колхозлар даражасига кўтаришда бир қатор муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Бундай қолоқ колхозлар раҳбар кадрлар билан мустаҳкамланди, далачилик ва трактор бригадаларининг состави сараланди, колхозларнинг маъмурий-бошқарув аппарати анча қисқартирилди. Агар 1954 йилда маъмурий-бошқарув аппаратларида 418 киши ишлаб келган бўлса, ҳозирги вақтда 226 киши ишлаб турибди. Шунингдек, бу йил пахтакорларимиз давлат томонидан берилган катта моддий-техника ёрдамидан самарали фойдаланиб, деҳқончиликда прогрессив усулни кенг қўлландилар. 8250 гектар пахта майдонидан 7705 гектари механизация билан икки томонлама ишланди. Шу усулда ишланган гўзалар тез ривожланиб эрта ҳосилга кирди. Бу эса бутун дала ишларини энг яхши агротехника муддатларида ўтказиш ҳамда пахта йиғим-теримига август ойининг охирида тушиш имконини берди.

Районимизнинг ер шароити анча оғир бўлиб, ер ости сувлари яқин бўлган тўқайзорликдан иборат. Шунинг учун ҳам ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда жуда катта қийинчиликларга дуч келдик. Тошкент экскаватор станцияси ва районимиздаги ҳар иккала МТСнинг кучи билан янги зовур ва каналлар қазилди, захоб ерларнинг суви қочирилди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда биринчи ва иккинчи Ўртасарой МТСларининг ватанпарвар механизаторлари пахтакорлар билан ҳамкорлик қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатдилар.

Бу йил районимизда активларнинг иқтисодий ўқиши ташкил этилди, илмий-ишлабчиқариш конференцияси ўтказилди. Унда ишимиздаги жиддий камчилик ва нуқсонлар рўй-рост очиб ташланди ҳамда колхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва хўжаликнинг ҳамма тармоқлари бўйича даромадни оширишнинг конкрет тадбирлари белгилаб чиқилди.

Хўжаликни комплекс ривожлантириш натижасида колхозларнинг даромади йил сайин кўпаймоқда. Бу йил район колхозларининг даромади 1954 йилга нисбатан икки баравар ортди, яъни у 60 миллион сўмга етди. Бу йил колхозчилар ҳар бир меҳнат кунига 1955 йилдагидан қарийб икки марта кўп пул ва галла оладилар. Биргина «Полярная звезда» колхози бу йил пахтачиликдан ўтган йилгига нисбатан 6 миллион сўм кўп даромад олди. Илгари қолоқ ҳисобланган Будённий номли, «XIX партсъезд», Жданов номли ва Маленков номли колхозлар пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажардилар. Эндиликда колхозларнинг жорий ҳисобида етарли миқдорда пул бор. Шуни ҳам айтиш керакки, бу йил бир центнер пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат 1955 йилга нисбатан 29 процент, 1954 йилга нисбатан эса 47 процент камайди.

Район колхозлари фақат пахтачиликда эмас, бошқа соҳаларда ҳам катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бу йил давлатга галла, жун, сут ва тухум топшириш плани муваффақиятли бажарилди. Жамоат чорвачилиги анча ривожланди. Фақат кейинги икки йил ичида сигирлар сони 26 процент, сут соғиш уч баравар кўпайди.

Хўжалик соҳасидаги муваффақиятларимиз даставвал омма орасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишларнинг савиясига, кишиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга ва уларнинг тобора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондиришга боғлиқдир. Шунга кўра район партия комитети ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари омма орасида олиб бориладиган сиёсий ишлар савиясини анча оширдилар. Биз оммавий-агитация ишларининг турли туман воситаларидан фойдаланиб, бу ишларнинг юксак савияда, жанговар, ҳужумкор бўлишига алоҳида эътибор бердик. Бу нарса меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларни партия ва ҳукуматимиз қарорларини бажаришга сафарбар этишда катта ёрдам берди.

Партия бизга эришилган муваффақиятлар билан қаноатланиб қолмаслик ва мағрурланиб кетмаслик керак, деб таълим беради. Бу йил эришган муваффақиятларимиз бизни қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини бундан буён янада ривожлантиришга даъват қилади. Район меҳнаткашлари олтинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Биз ўз перспектив планимиз бўйича пахта майдонини 1960 йилга бориб ўн минг гектаргача кенгайтириш ва ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 30 центнерга етказишга қарор қилдик. Бу реал ҳақиқат бўлиб, биз уни албатта амалга оширамиз.

Ҳозир районимиз пахтакорлари ва механизаторлари олдида далада қолган ҳосилнинг охирги граммигача йиғиб-териб олиш, келгуси йил мўл ҳосилига замин тайёрлаш учун шудгорлашни сифатли қилиб ўтказиш, шунингдек чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш, иссиқ молхона ва қўйхоналар ҳозирлаш каби катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Район партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг ғайрат ва ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларни районимиз олдида турган янги вазифаларни бажаришга тўла сафарбар этишдир.

СУРАТДА: ОБЛАСТИМИЗНИНГ ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРИ: (1-қаторда чапдан ўнгга) Янгийўл районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи С. Қорахўжаев, Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг чевар теримчиси С. Гулаҳмедова, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси А. Матқобулов, Пискент районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи А. Содиқова, «Пахта» МТСнинг механик-ҳайдовчиси Х. Узайиров, (иккинчи қаторда чапдан ўнгга) Боёвут районидаги Молотов номли колхознинг бригада бошлиғи Ж. Латипов, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг бригада бошлиғи Т. Абдуллаева, Юқори Чирчиқ районидаги Андреев номли колхознинг раиси И. Талаббоев, Мирзачўл районидаги «Ленинизм» колхозининг чевар теримчиси А. Ўринбоева, (учинчи қаторда чапдан ўнгга) Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг звено бошлиғи М. Жобиров, Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг раиси О. Қўчқоров, Бўстонлиқ районидаги Молотов номли колхознинг чевар теримчиси Т. Анорова, Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг механик-ҳайдовчиси Т. Жумаев, Ўртасарой районидаги «Северный маяк» колхозининг чевар теримчиси Чен Лариса ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

Собир АБДУЛЛА

Мужда

Энтикди юрак, шошдик
Ёзгунча қалам мужда.
Ҳар йилги каби тансиқ,
Учровдаги кам мужда.
Хирмонда уюшмоқдан
Бермоқда грамм мужда,
Қад тиклади олтиндан
Тоғларча ғарам мужда.
Область бориб олдинда,
Манзилга етиб келди.
Дўндирди қилар ишни,
Ҳам қойил этиб келди.
Уз шуҳратини Тошкент
Зарҳалда битиб келди —
Областда план тўлди,
Келтирди рақам мужда.
Бу мужда, бу шодликка
Кўз тикди шаҳар, қишлоқ.
Майдонда бўлиб ҳамдам,
Меҳнатда бўлиб ўртоқ,
Кундуз теришиб, тўплаб,
Тунлар ҳамма хушчаҳчақ,
Бўлгучи якунларга
Халқ, ҳамма эдиқ илҳақ:
Уз ваъдасида келди
Бу қутли қадам мужда.

Раҳмат сизга, шаҳарлик биродарларимиз!

РАЙОНИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ МИННАТДОР

Пахта йиғим-терими қизғин авж олган кезларда шаҳар меҳнаткашлари бизга ёрдамга келдилар. Улар ўз олдиларига: колхозчилар билан ёнма-ён туриб пахта теришни, умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Ёрдамчилар келиб, кучимизга-куч қўшилгандан кейин район бўйича терим суръати сезиларли даражада кучайди. Давлатга кўпроқ пахта топширила бошланди. Баъзи кам қувват, ишчи кучлари оз колхозларда айниқса иш жонланиб кетди.

«Ташсельмаш» заводининг ишчи ва хизматчилари Энгельс номли, Хрушчев номли колхоз далаларида ғайрат билан ишладилар. Улар белгиланган кундалик норманн ошириб бажариб, пахтакорларнинг ҳурматига сазовор бўлдилар. Заводнинг Ортиқова, Магилевский каби ишчилари терим суръатини кундан-кунга ошира бориб, хирмонга ҳар куни 100-150 килограммдан пахта топшириб турдилар.

Энгельс номли колхоз аъзолари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Улар бундай муваффақиятга эришишларида завод ишчи ва хизматчиларининг ҳиссаси катта эканлигини чуқур ҳис этмоқдалар ва ўзларининг миннатдорчилигини изҳор қилаётирлар.

«Ташкенткабель» заводи ишчи ва хизматчиларининг пахта далаларида олиб борган фидокорона меҳнатлари ҳам мақташга сазовордир. Улар шу кеча-кундузда ҳам Андреев номли колхоз аъзоларига яқиндан ёрдам бериб, уларнинг социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариш учун олиб бораётган курашларида ҳамкорлик қилмоқдалар. Колхоз пахтакорлари заводнинг Шарипов, Жельцова каби ўнлаб ишчиларини ҳурматлайдилар.

Районимиздаги Калинин номли колхоз аъзолари Куйбишев район уй-жой бошқармаси ходимлари — Мамашева, Козина, Эргашевларни ҳеч қачон унутмайдилар. Бу ватанпарварларнинг ҳар бири мавсумда 2-3 тоннадан пахта териб хирмонга топширдилар.

Бу йилги мавсумда Куйбишев район меҳнаткашларидан 4855 киши районимиз пахтакорларига кўмаклашиб, 4261 тонна пахта терди. Ҳозир ҳам шаҳар меҳнаткашларидан икки мингдан ортиқ киши социалистик мажбуриятимизни бажаришда яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиб, районимиз пахтакорларининг кўмакчилари бўлган, оғирмизни енгил қилган шаҳар меҳнаткашларига — Куйбишев район меҳнаткашларига чин қалбимиздан ташаккур. Районимиз барча пахтакорлари шундай демоқдалар.

Ғ. ҚОДИРОВ,
Октябрь район ижроия комитетининг раиси.

СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ РАҲМАТ АЙТМОҚДАЛАР

2-«Далварзин» совхозининг ишчилари, механизаторлари, агроном, инженер-техник ходимлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Агротехника тадбирларини изчилик билан амалга оширдилар. Янги, прогрессив методни дадиллик билан жорий этиб, механизациядан унумли фойдаландилар ва кенг майдонларда мўл ҳосил етиштирдилар.

Совхозимизда пахта терими авжи қизиган пайтда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг студентларидан 1420 киши ёрдамга келди. Қишлоқ хўжалик институтининг кўпгина студентлари пахта теришда совхоз ишчиларидан қолишмадилар. Агрономия факультетининг студенти И. Муқимов 4218 килограмм, Ўрмончилик факультетининг студенти К. Гумайиллаев 3467 килограмм пахта терди. Пахта теришда фидокорона ишлаган студентлар совхоз ишчиларининг ҳурматига сазовор бўлдилар. Умуман, қишлоқ хўжалик институтининг студентлари ўқитувчилар раҳбарлигида совхозимизнинг 2300 тонна пахтасини териб бердилар. Бу топширадиган пахтамизнинг 29,6 процентини ташкил этади.

Шу кунларда совхозимизда Қорасув районидан келган сабзавотчилик колхозларининг аъзоларидан 1900 киши бизга ёрдам бермоқда. Улар кейинги беш кунликда 5 минг тонна кўсак тердилар. Кўсак теришда Қорасув районидаги Сталин номли колхоз аъзолари айниқса намунали ишлаб, совхозимизнинг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлдилар.

Областимизда пахта плани бажарилган кунда пахта тайёрлашда муносиб ҳисса қўшганларга: Раҳмат сизга, шаҳарлик ўртоқлар ва колхозчи биродорлар, деймиз.

М. БОЙМАТОВ,
2-«Далварзин» совхозининг директори.

Мирзачўлда яшнаётган колхоз

Мирзачўлнинг ҳали асрлар бўйи сувга чанқиб, гиёҳ унмай ётган кенг воҳаларида бугун қайноқ меҳнат нафаси кезмоқда. Қийинчиликларни ҳадил енга олишга ишонган азамат йигит ва қизлар, республикамизнинг машҳур пахтакорлари, механизаторлар мана шу кенг воҳани боғи-бўстонларга, пахтазор далаларга айлантириш, чўлга ҳаёт сувини оқизиш мақсадида бу ерга кела бошладилар.

Бундан бир неча йиллар илгари қамиш ва тўқайзорларни очиб, чўллар бағрида обод ва кўркам қишлоқлар бунёд қилаолган, Мирзачўл шароитида ҳам Фарғона водисилагидек мўл пахта ҳосили етиштиришга эришаётган, ҳозир асл мирзачўллик бўлиб қолган кишиларни яхши биламиз. Ўша кишилар ҳам худди ҳозиргидек Мирзачўлга дастлаб отланганларида ўз олдиларида катта қийинчиликлар борлигини, лекин бу қийинчиликларни енгишга қодир эканликларини яхши тушунган эдилар. Улар бугун ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бунёд қилган пахтазор, узумзор, олма-анор, анжирга кон боғлари қўйнида, жонажон колхозлари бағрида бахтли ҳаёт кечирмоқдалар.

Бундан ўн тўрт йил илгари қақраган чўл бағрида бунёдга келтирилган Гулистон районидаги Молотов номли колхозни ким билмайди, дейсиз. Ўша вақтларда ҳозирги яшнаб турган боғларни, кенг пахтазор воҳиларни тасаввур қилиб бўлармиди? Уларнинг ҳаммасини худди бугунгидек «Мирзачўлни яшнатамиз» деб аҳд қилган азамат совет кишилари яратдилар.

—Мен дастлаб Мирзачўлга келганимда,—деб ҳикоя қилади колхознинг донгдор бригада бошлиғи, машҳур пахтакор Ғанишер Юнусов,—керак бўлиб қолар деб, ўзим билан бирга кетмоним учун даста ҳам олиб келган эдим. Кунимга яради. Бугун эса бу ерлари мевали дарахтлар, мажнун толлар ва мирза тераклар чўлни яшнатиб юборди.

Дастлабки йилларда 100-150 гектар пахта майдонига эга бўлиб, гектаридан 10-12 центнердан ортиқ ҳосил бераолмаган бу колхоз энди 1235 гектар пахта майдонига эга. Азамат колхозчилар механизаторлар билан мустаҳкам ҳамкорликда манглай тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилишлари, йилдан-йилга кўпроқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун курашганликлари туфайли ана шундай йирик пахта майдонига эга бўлдилар. Шу йиллар орасида Мирзачўл шароитини яхши тушунган, ернинг тилини биладиган, пахта ҳосилини муттасил ошириб бораётган тажрибали пахтакорлар етишиб чиқди. Колхознинг Ғанишер Юнусов, Муҳамиддин Орипов, Акбарали Йўлдошев, Кўпайсин Муҳитдинов, Қурбонали Исмоилов каби бригада бошлиқларининг номи бугун областимиз пахтакорлари орасида машҳур.

Колхоз аъзолари шу йил бошида мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан она-Ватанга 30 центнердан ҳосил топширишдек юксак мажбурият олган эдилар. Улар ана шу аҳдларининг уддасидан чиқиш мақсадида ёз бўйи ҳалол меҳнат қилиб, гўза парваришини сифатли ўтказдилар. Янги, прогрессив усул, юқори агротехника қоидалари кенг қўлланилди. Барча майдонларда олинган юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти йиғим-теримни ҳар тарафлама уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча куч ва ички имкониятларни дала ишларига тўла сафарбар этдилар. Кўп мингчилар ҳаракати кучайтирилганлиги, ўзаро социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилганлиги сабабли колхоз аъзолари ўз мажбуриятларини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Давлатга ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топширилди. Ғанишер Юнусов, Кўпайсин Муҳитдинов, Муҳамиддин Орипов бошлиқ бригада аъзолари гектаридан олинган ҳосилни 38-40 центнерга етказиб, катта ютуққа эришдилар. Мавсумда 14-15 минг килограммга етказиб пахта терган Ҳажар Ортиқова, Ойнахон Бердиева, Зайтуна Шокирова каби чеварларнинг номлари колхоз аъзолари ўртасида достон бўлиб кетди. Колхозда бундай чеварларнинг сони 120 дан ортиқдир.

Пахта ҳосили ошган сари колхозчиларнинг даромади ҳам кўпаймоқда. Уларнинг ҳаёти йилдан-йилга фаровонлашмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларни рағбатлантириш тўғрисидаги қарори ҳам колхозчилар даромадининг ошишида катта роль ўйнайди. Колхоз шу йилнинг ўзида давлатга топширган пахта ҳисобига 15 миллион сўм даромад қилди. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан 3 миллион сўм кўпдир.

Колхозчиларнинг иқтисодий ҳаёти йилдан-йилга яхшиланаётгани сари колхоз қишлоғининг қиёфаси ҳам йилдан-йилга обод бўлиб, кўркамлашиб бормоқда. Ҳашоматли ўрта мактаб, болалар боғчаси, клуб, кутубхона бинолари қад кўтариб турибди. Колхозчиларнинг хонадонлари радиолаштирилмоқда. Ильич чироқлари уйларни, жамоат биноларини мунаввар қилиб турибди.

Шу кунларда қайси бир колхозчининг хонадонига кирсангиз сизни турли туман нозн-неъматлари билан тўла дастурхонига таклиф қилади. Бу нозн-неъматларнинг ҳаммаси қадимги чўл ўрнида—ҳозирги унумдор Мирзачўл ерларида вужудга келтирилган.

—Колхозимизда бу йил етиштирилган қовунинг неча хил навзини айтиб берай,—дейди колхоз раиси Сойибжон Назаров, «Умирбоқи», «Оқ тумшуқ», «Шакар палак» қовунларимиздан есангиз озгинсизда бол эрийди, «Новвоти», «Қора пўчоқ», «Бекзод», «Дониёр» каби қовунларимиз ҳаммага маъзур бўлиб қолди. Узумларимизни айтмайсизми,—сўзида давом этиб дейди Сайибжон ака,—«Мускат», «Қирмизи», «Катта қўрғон», «Хусайни» каби узумларимиздан меҳр қониб ейиш учун боғимизга келинг!

Мирзачўл воҳасида Молотов номли колхоз каби илғор, мўл ҳосилли, йирик қишлоқ хўжалик артеллари оз эмас. «Октябрь», Ленин номли, Гулистон районидаги «Красная заря», Боёвут районидаги Карл Маркс номли, Молотов номли, Сирдарё районидаги «Ҳақиқат», Охунбобоев номли колхозлар ўзларининг яшнаган боғлари, юқори ҳосилли пахтазорлари билан областимизда, ҳатто республикамизда машҳур!

Партия ва ҳукуматимизнинг чақириғига жавобан Мирзачўл ерларини жавобан Мирзачўл ерларини ўзлаштиришга отланган кишилар янги ерда янги пахтазорлар вужудга келтириш, боғу-бўстонлар яратиш ва Мирзачўлни Мирзагулга айлантиришдек олижаноб хис-туйғулар билан яшамоқдалар.

Акмал ПЎЛАТ.

Пахта йиғим-теримида яхши ишлаган шаҳ арлик ўртоқлар

Бу йил шаҳарли меҳнаткашлар, студент ва ўқувчилар йиғим-терим даврида областимиз пахтакорларига катта ёрдам бердилар. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли 1- тикув заводининг ишчиларидан ўртоқ Анастасия Нарайкина мавсумда икки тоннадан ошириб пахта терди. Тошкент медицина институтининг 2- курс студенти Ҳамро Урунова 4 тоннага етказиб хирмонга пахта топширди. Тошкент шаҳар Октябрь районидаги пойафзалчилар мактабининг ўқувчиси ўртоқ Тидовберган Муҳамедов ҳар куни 150 — 200 килограммдан пахта териб турди. Суратда: (чапдан ўнгга) Анастасия Нарайкина, Ҳамро Урунова, Тидовберган Муҳамедов ўртоқлар.

Г. Пун, К. Рамеев, А. Аверьянов фотолари.

шон-шарафлар бўлсин!

ПАХТА — ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ИФТИҲОРИ, КАТТА БОЙЛИГИДИР. Суратда: Ўртасарой пахта тайёрлаш пунктида.
А. Палехов фотоси.

Янги ерларда пахта ҳосилини йил сайин ошириш учун

С. БОЧКАРЕВ,
Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг директори

Совхозимизда пахта майдони йил сайин кўпайиб, бу ерлардан олинаётган ҳосил тобора оширилмоқда. Бу йил 1880 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 24,7 центнер ўрнига ҳозиргача 26 центнердан пахта топширилди. Бу, ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига 2 центнердан кўпдир.

Совхоз коллективи республикамизда 3 миллион тонна пахта тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун социалистик мажбуриятдан ташқари яна 300 тонна пахта тайёрлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Биз пахтачиликни ривожлантиришда механизациядан кенг фойдаланмоқдамиз. Бу йил 750 гектар ердаги ғўзалар квадрат-уялаб ўстирилди, ҳаммаси бўлиб 1600 гектар ердаги ғўзани икки томонлама парвариш қилдик. Бу, биринчидан, меҳнатни тежашга катта ёрдам берган бўлса, иккинчидан, ғўзаларнинг яхши ривожланишига ва мўл ҳосилли бўлиб етилиш имконини туғдирди. Механизаторларимиз ўз агрегатларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўза парвариши даврида зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Ғўзалар ҳар 10-12 кунда узунасига, кўндаланг культивация қилиб турилди, ўғит солиш ишлари ҳам механизация ёрдамида бажарилди.

Натижада барча майдондаги ғўзалар яхши ўсиб, ҳосил эрта муддатларда етилди, пахта териш бултургига қараганда анча илгари бошланди.

Бизнинг совхозимизда машина билан пахта териш ҳар йили ҳам уюшқоқлик билан ўтказилаётганлиги сабабли бу соҳада яхши натижаларга эришилмоқда. 1955 йилда ҳаммаси бўлиб 1600 тонна пахта машина билан терилган бўлса бу йил механизаторларимиз ғайрат кўрсатиб ишлаб 1800 тонна пахтани машина билан териб бердилар. Машина билан пахта теришда Тожибой Жумаев, Шакар Жўратоев, Рафиқ Юнусов, Муса Велеуллаев сингари механик-ҳайдовчиларимиз нормада белгиланган 50 тонна ўрнига ҳар бир машина билан 52-60 тоннадан пахта тердилар. Муса Велеуллаев СХС-1,2 машинасида ишлаб мавсумда 76 тонна пахта терди.

Пахта тайёрлаш юзасидан социалистик мажбурият бажарилган қувончли кунларда ана шундай натижага эришишда ғайрат кўрсатиб фидокорона меҳнат қилган, ўзининг ташаббускорлиги билан бошқаларга намуна бўлган кишилар тўғрисида сўзлаб ўтиш керак. Отабой Қозоқов бошлиқ 3- бўлим ишчилари 640 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан пахта топшириб илғорликни эгалладилар. Бу бўлим ишчилари яна 1,5 центнердан пахта йиғиб оламиз, деб ваъда бердилар. Пошша Бағиров бошлиқ 2-бўлим ишчилари ҳам 624 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта топширдилар.

Жуда кўп бригадаларимиз ҳосилни оширишда ўтган йилдагига нисбатан катта натижаларга эришдилар. Одил Аҳмедов бошлиқ бригада ишчилари 92 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан, Шакар Қурбонов бригадаси 31 центнердан пахта йиғиб олди.

Совхозимизда янги ерлардан мўл ҳосил етиштирган азамат пахтакорларнинг меҳнатидан ҳамма хурсанд. Ҳайдар Умаров бошлиқ бўлимнинг 606 гектар ердаги ярмиси бу йил биринчи марта чигит экилган янги ер ҳисобланади. Бўлим ишчилари ва механизаторлар янги ерларни кенгайтириш билан бирга, ундан мўл ҳосил етиштиришда ҳам катта ютуққа эришдилар. Биринчи йил чигит экилган ерларнинг ҳар гектаридан 21,5 центнердан пахта топширилди.

Бизга Тошкент шаҳридан келган меҳнаткашлар, студентлар бригадарлик ёрдамини кўрсатдилар. Улар совхоз ишчилари билан ёнма-ён туриб ишлаб пахта теришда совхоз ишчиларини қойил қолдирдилар. В. М. Молотов номли Тошкент медицина институтининг 400 студенти икки ой мобайнида жуда кўп пахтамизни териб берди. Социалистик мажбурият бажаришлиги тўғрисида рапорт бераётган ҳозирги пайтда биз ТашМИ студентларидан ғоят миннатдор эканлигимизни яна бир марта айтамиз!

Партия ва ҳукуматимиз Мирзачўл ерларини кўпроқ ўзлаштириб, бу воҳани мамлакатимизнинг йирик пахта базасига айлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Биз шу соҳадаги кўрсатмаларни муваффақиятли бажариш учун курашиб келгуси йилда пахта майдонимизни 2100 гектарга етказиш тадбирларини амалга оширмоқдамиз. «Малик» совхози келажакда Мирзачўлдаги йирик ва юқори ҳосилли пахтакор совхозлардан бирига айланади.

Совхоз коллективи эришилган ютуқни мустаҳкамлаб, келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан бошлаб тайёргарлик кўраётир. 9 та ҳайдов трактори ғўзапоядан тозаланган ерларни сифатли шудгор қилмоқда. 8 та ғўзапоя юладиган машинада ишлаётган механизаторлар ҳайдов тракторлари учун ер тайёрлаб беришда ғайрат кўрсатмоқдалар. Биз барча тракторларни тез кунда ишга солиб, ерларимизни 10 декабргача шудгор қилиб олиш учун курашмоқдамиз. Шудгор олдидан ерларга солиниши зарур бўлган минерал ўғит тўла ташиб келтирилди.

«Малик» совхозининг пахтакорлари областимиз пахта тайёрлаш плани бажарган ҳозирги кунда бошқа пахтакор совхозларнинг ҳам ўз социалистик мажбуриятларини тезроқ бажаришга, республикамизда 3 миллион тонна пахта тайёрлашдек умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшишга чақиради!

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантирамиз

А. МАТҚОБУЛОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси

Колхозимизда ҳаммаси бўлиб 2810 гектар экин майдони бор. Шундан 1250 гектарига чигит экамиз, 530 гектари бедапоя, картошка ва сабзавотчилик экинлари экадиган еримиз 550 гектар. 400 гектар узумзор ва мевазор боққа эгамиз. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида бу йил мажбурий майдонини 100 гектарга етказдик.

Бизнинг олдимизда ана шу экинларнинг ҳосилини ошириш, колхоз хўжалигини йил сайин бойитиш вазифаси турибди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча колхозчилар билан биргаликда ўз олдига қўйилган вазифани муваффақиятли бажариш учун ҳаракат қилмоқда. Колхозимизда пахта ҳосили йил сайин оширилмоқда.

Колхозимиз асосан пахтакор хўжалик бўлиши билан бирга, бизда чорвачилик ҳам ривожлантирилмоқда, унинг маҳсулдорлиги тобора оширилаётир.

Бултур ҳар бир сигирдан 1800 литрдан сут соғиб олган бўлсак, бу йил 290 бош сигирнинг ҳар биридан 2100 литрдан сут соғиб олдик. Колхоз давлатга топширган 31 тонна ғўштнинг 50 проценти чўчка ғўшти ҳисобланади, яъни бизда, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик ривожланиши билан бирга чорвачилик ҳам ўсмоқда. Ҳозир қўйчилик, сутчилик, парандачилик, чўчқачилик, асаларичилик фермаларига эгамиз.

Мен бу мақолада асосан колхозимизда пахтачиликни қандай ривожлантираётганлигимиз тўғрисида гапирмоқчиман. Бу йил 1250 гектар ернинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисида план тузган эдик. Ватанпарвар колхозчиларимиз пландаги 34,5 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта берамиз, деб ўз зиммаларига социалистик мажбурият олдилар. Катта майдонларда бу хилда мўл ҳосил етиштириш анча қийин бўлди. Ғўза парвариши кунларида механизаторлар ва колхозчилар биргаликда фидокорона меҳнат қилиб, ғўза парваришини янги, прогрессив усулда ўтказдилар. Кўп ерларимиздаги ғўзалар икки томонлама культивация қилинди. Минерал ўғит солиш асосан механизация ёрдамида бажарилди.

Биз ғўза парвариши даврида барча ишни агротехника қоидасида кўрсатилганидек ўтказишга ҳаракат қилдик. Ғўзалар ўз вақтида чопиқ ва культивация қилингач, ер шароитига қараб суғордик. Бизнинг колхозимиз территорияси кенг бўлиб, унинг ерлари тузилиши жиҳатдан ҳар хилдир. Масалан, тўқай участкамиздаги бригадаларда ғўза унча кўп сув талаб қилмайди. Юқори участкалардаги бригадаларнинг ери оқ ер бўлганлиги сабабли унинг сувидан тез-тез хабардор бўлиб туриш керак. Колхоз сувчилари ернинг табиий шароитини яхши билган ҳолда ғўзаларни суғоришга алоҳида аҳамият бердилар. Натижада ҳосилнинг тўкилиш ҳоллари кам бўлди. Шунинг учун далаларимизда пахтадан мўл ҳосил етиштира олдик.

Колхоз бўйича ҳозиргача 1250 гектар ернинг ҳар гектаридан 38,3 центнердан ҳосил олдик. Даромадимиз шу кунгача 20 миллион сўмдан ошди. Яқинда далада қолган пахтани ҳисоблаб кўриб, яна 2 центнердан пахта бериш мумкинлигини аниқладик. Шу кунларда колхозчилар, бизга ёрдамга келган шаҳарлик бирорларимиз ана шу ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар.

Шу нарса қувонарлики, кўпгина бригада ва звеноларимиз ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил топширдилар. 18 та пахтачилик бригадасидан 14 таси 35-40 центнер ўртасида ҳосил етиштирди. Анвар Эгамназаров, Соҳиба Ўрмонова, Исабек Сафаров, Тўйчи Тошманов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ўртача 42-44 центнердан пахта топшириб, бу йил айниқса яхши натижага эришдилар. Улар ҳали пахта топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

Колхозимизда 80 та звено бўлиб уларнинг барчаси мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Айрим звеноларимиз ҳосил етиштириш соҳасида ғоят катта ютуқларни қўлга киритдилар. Алибой Бойтуродов бошлиқ звено аъзолари 17 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 38 центнер ўрнига 64,1 центнердан пахта топшириб йиллик пахта тайёрлаш планини 148 процент бажардилар. Кулмирза Мирзаахмедов, Карим Рустамов, Тўлабой Тожибоев ўртоқлар бошлиқ звенолар ҳам социалистик мажбуриятларини муваффақиятли адо этиб, ҳар гектар ердан ўртача 42-46 центнердан пахта топширдилар.

Йиғим-терим ишларининг ҳар тарафлама пухта уюштирилганлиги социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариш имкониятини берди. Пахта терими қизғин давом этган кунларда ва ҳозирги кўсак териш пайтида ҳам колхозимизнинг ватанпарвар аъзолари ўз меҳнатлари туфайли етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача 12-13 тоннадан пахта терган Бутой Фозилова, Сора Ўрмонова, Шарипа Мовлонова сингари ўнлаб чеварлар мусобақада олдинда бориб, кўрак теришда кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб тугалламоқдамиз. Бизнинг олдимиздаги муҳим вазифалардан бири—1957 йил мўл ҳосили учун ҳозирдан бошлаб пухта замин тайёрлашдан иборат. Шу мақсадда колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳосили батамом йиғиб-териб олинган ерларни пешма-пеш ғўзапоядан тозалаш ва шудгор учун тахт қилиб қўйиш мақсадида махсус график тузиб чиқди. Ана шу графикка кўра, биз барча ерларимизни 10 декабргача юқори сифатли шудгорлаш учун курашамиз. Ҳозир МТС колхозимизда ишлаши зарур бўлган ҳайдов тракторлари ва ғўзапоя юладиган универсалларни тахт қилиб қўйди.

Колхозимиз аъзолари бу йил эришилган муваффақиятни янада мустаҳкамлаб, ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта топшириш тўғрисидаги социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш, 1957 йилда ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ошириш, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсуллорлигини кўпайтириш учун ҳормай-толмай курашадилар.

БИЗНИНГ ҲИССАМИЗ

Р. ТЕШАБОЕВ,
Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозининг бригада бошлиғи

Партия ва ҳукуматимизнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, пахтакор колхозларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисидаги қароридан руҳланган бригадамиз аъзолари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ҳар қачонгидан ҳам яхши ишладилар, янги, прогрессив методни жорий қилдилар. Агротехника тадбирларини қўлай муддатларда изчиллик билан амалга оширдилар. Шу туфайли бу йил бригадамизда пландаги 26,3 центнер ўрнига 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33,5 центнердан ҳосил олинди.

Бу йил колхозимизда ўртоқ Мирза Тошматов бошлиқ бригада аъзолари ҳам 25 центнер ўрнига 31 центнердан, Обид Қўйчиев бошлиқ бригада аъзолари ҳозиргача 60 гектар ердан 27 центнер ўрнига 29,7 центнердан ҳосил топширдилар.

Бизнинг бригада аъзолари колхозимиздаги 900 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,89 центнер ўрнига ҳозиргача 27,5 центнердан ҳосил олишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Колхозимиз аъзолари Мирзачўл ерларида ҳар йили пахта тайёрлаш планини муттасил бажариб келмоқдалар ва йилдан-йилга пахтадан олинадиган ҳосилни ошириб бормоқдалар. Агар бизнинг бригадамизда бу йил ўтган йилга нисбатан пахта ҳосили 7,2 центнердан ошган бўлса, колхозимиз бўйича ҳозиргача олинган ҳосил 1,5 центнер ошди. Энди колхоз аъзолари пландаги 25,89 центнер ўрнига қолган ҳосилни йиғиб олиш билан 29 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Шу кунларда колхозимизда кузги шудгорга ер бўшатиб бериш, кўрак чуриш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида иш конвейер усулда ташкил этилди. Колхозимизнинг ҳамма аъзолари группаларга бўлиниб ишламоқдалар. Шунинг натижасида кўп ерлардаги ғўзапоялар юлиб олишга тайёрлаб қўйилди. Юз гектардан кўпроқ пахта ерлари ва 25 гектардан кўпроқ қўриқ ерлар ҳайдаб қўйилди.

Бу йил биз самарали ишлаганимиз, колхозимизда пахта ҳосили ошгани учун олган даромадимиз ҳам кўпайди. Бу йил колхозимиз умуман 8 миллион 200 минг сўм даромад олди. Бу — ўтган йилга нисбатан 1 миллион сўм кўп демакдир. Шунинг натижасида ўтган йили бир меҳнат кунига 11 сўм 95 тийиндан пул, 2,5 килограммдан ғалла берилган бўлса, бу йил 14 сўм пул, 3 килограммдан ғалла берилмоқчи.

Колхозчиларимиз келгуси йил мўл ҳосили учун тайёрлик ишларини кучайтириб, 25 декабргача кузги шудгорни тамомлаш учун курашмоқдалар.

Пахта усталарининг ғалаба рапортлари

БУСТОНЛИҚ районининг колхозлари бу йил 1500 гектар ерга чигит экиб, пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Район пахтакорлари давлатга пландаги 2400 тонна ўрнига 2500 тонна, яъни ҳар гектар ердан 16,7 центнердан ҳосил топшириш юзасидан мажбурият олиб, уни муддатидан илгари бажарган эдилар.

Район колхозлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб давлатга яна қўшимча равишда пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам 19 ноябрда 100 процент қилиб бажардилар. Район бўйича пахта майдонининг ҳар гектаридан 18,8 центнердан ҳосил олинди, ҳаммаси бўлиб 2830 тонна пахта топширилди.

* * *

БУКА. Бўкалик машҳур теримчи Саодат Гулаҳмедова ҳозиргача 30500 килограмм пахта терибди. Социалистик мажбуриятини ошириб бажарган Хрушчев номли колхоз аъзоси, чевар қиз Саодат ҳозир ҳам кўрак теришда астойдил ишламоқда. Ҳамқишлоқлари унга: «Аҳдини бажарган қиз, сенга минг раҳмат» дейдилар.

* * *

ГУЛИСТОН. Ўртоқ Мамажон Жобиров Гулистон районидаги Крупская номли колхозда бир неча йилдан бери звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Уни районда уста пахтакор сифатида ҳурмат қилишади. Мамажон аканинг звеноси Мирзачўл ерларида пахта ҳосилини йил сайин ошириб келмоқда. Бу йил звено пахтакорлари 11 гектар ернинг ҳар гектаридан она-Ватанга 55 центнердан ҳосил топширдилар. Улар гектаридан яна 6-7 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар.

* * *

ОКТЯБРЬ. Ўртоқ Тожихон Бобожонова Калинин номли колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Унинг звеноси бу йилгидек юқори ҳосил етиштирган эмас. Звено аъзолари 12 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан давлатга 53 центнердан ҳосил топширдилар.

* * *

ОҚҚУРГОН. Тельман номли колхознинг Маман ота Қўлдошев бошлиқ бригада аъзолари мажбуриятдаги 30 центнер ўрнига гектаридан 43 центнердан пахта топширишга муяссар бўлдилар.

* * *

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. Сталин номли колхоз аъзолари бу йил пахтачилик соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Чигит экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказган, ғўза парваришини ҳар тарафлама сифатли олиб борган, бу соҳада механизация кучидан унумли фойдаланган колхоз аъзолари пахта йиғим-теримини ҳам уюшқоқлик билан ўтказиб, пахта майдонининг ҳар гектаридан она-Ватанга 36,8 центнердан ҳосил топширишга эришдилар.

ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛИ

ПАХТА МТС ИНИНГ МЕХАНИК-ҲАЙДОВЧИСИ ЎРТОҚ ТУРСУНОЙ ОХУНОВАГА

Лобарқиз, забардаст Турсуной,
Терим машинада рулевой,
Тоғ-тоғ бўлди терган олтининг,
Раҳмат айтар сенга юрт-элинг.
Турсуной, шон қучиб бўл омон,
Йўллайбер Ватанга сен карвон.

ПИСКЕНТ РАЙОНИДАГИ КАРЛ МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ҒУЛОМ ҲАЙДАРОВГА

Қанот ёзди каттакон рўзғор,
Эл олдида топдинг эътибор,
Пахтакорлар тўкди манглай тер,
Ошди ҳосил ўн уч центнер.
Илғорликни бой берма қўлдан,
Эл табриклар сени кўнгилдан.

БОЁВУТ РАЙОНИДАГИ ЖДАНОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ БРИГАДА БОШЛИҒИ ЎРТОҚ ҚУШОҚ МАҲКАМОВГА



Қандингни ур пахтакор деҳқон,
Чўлни этдинг оқ олтинга ном,
Янги ерда донг таратдинг сен,
Қўриқ очиб, боғ яратдинг сен.
Пахтазоринг кенгайсин яна,
Ҳар йил қучгин шундай тантана!

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ АНДРЕЕВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ТЕРИМЧИСИ ЎРТОҚ ТУРСУНБОЙ ҒОЗИЕВГА

Турсунбой теримда илғорсан,
Пахтакорлар ичида донгдорсан,
Тердинг сен ўн олти тонна
Бўш келмайсан азамат, яна.
Бу — мардликнинг чин самараси,
Шундай ишлар мардлар сараси.

Суратларни Н. Леушин чизган.

Венгриядаги халққа қарши кучларни қўллаш мақсадида қилинаётган номуносиб уринишлар тўғрисида

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида СССР Ташқи ишлар министри Д. Т. Шепилов нутқи

Раис жаноблари, жаноблар!

Мен қисқа гапираман, Куба резолюцияси проекти бўйича Бош Ассамблеяда ўтказилган музокаралар муносабати билан Совет делегацияси баъзи бир мулоҳазаларни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Совет Ҳарбий қўмонданлиги венгерларни Венгриядан ташқарига гўё кўплаб сургун қилаётганлиги тўғрисидаги туҳматдан иборат резолюцияни киритган Куба делегацияси ҳам, бу резолюцияни қувватлаб чиққан кишилар ҳам ўзларининг исботсиз даъволарини мустаҳкамлаш учун битта ҳам факт келтира олмадилар. Зотан шундай бўлади деб ҳам кутилган эди.

Бу музокаралар СССР делегацияси ва бошқа бир қанча делегациялар огоҳлантириб айтиб келган нарсани таъкидлаб берди, холос: бу гапларнинг ҳаммаси битта мақсадни, у ҳам бўлса халқаро вазиятни ёмонлаштиришни, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вазиятни гумонсираш ва ишончсизликни ифодаловчи кўланса иғволар билан заҳарлашни, тинчлик иши учун ҳаётий муҳим бўлган проблемалардан, биринчи навбатда, Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қилган ҳарбий агрессияси билан боғлиқ проблемалардан жаҳон жамоатчилигининг эътиборини четга тортишни кўзлаб айтилган гаплардир.

АҚШ делегати Лодж жаноблари довдираб қолган Куба делегатини шармандаликдан қутқаришга уриниб, гўё далиллар келтираман деган мақсад билан кўп ҳаракат қилди. Бироқ, у ишлатган усулда ҳеч қандай катта дипломатик маҳорат йўқ эди. У, Венгрияда ва Руминияда бўлган бир қанча географик пунктларни, шунингдек Будапештдаги бир қанча адресларни айтиб ўтди, сўнгра шу номларнинг ҳаммасини кўплаб сургун қилиш деган афсона билан ўзи хоҳлаганича боғлади. Лодж жаноблари, ҳамма менинг сўзимга ишониб қўяқолур, деб ўйлаган бўлса керак.

Лодж жаноблари кунлар ва адресларни бу ерда нақадар дабдаба билан гапириб ўтганлиги сизларнинг эсингизда бўлса керак. Унинг бу жазаваси, эҳтимол, бехабар одамга маълум даражада таъсир қилиши мумкин. Бироқ, аввало шундай бир савол туғилади — хўш, Америка делегати қандай **фактларга** асосланди? Маълум бўлдики, унинг қўлида ҳеч қандай факт йўқ. Венгрияда муайян элементлар томонидан муайян мақсадларда тарқатилаётган ҳар хил мудҳиш овозалардан шу масъулиятли трибунада туриб фойдаланишни Лодж ўзи учун мумкин деб билди ва бунинг натижасида ўзини ўнгайсиз аҳволга солиб қўйди.

Дарҳақиқат, Лодж жаноблари ўз даъволарини исботламоқ учун, масалан, 14 ноябрда Гринвич вақти билан соат 15 да «расмий Будапешт радиоси» эшиттирган ҳабарни далил қилиб келтирди. Шу эшиттиришнинг тексти менинг олдимда турибди. Хўш ўша эшиттиришда нималар дейилган? Биринчидан, Лодж жаноблари даъво қилганидек, бу эшиттириш «расмий Будапешт радиосининг» эшиттириши эмас, балки Сольнок шаҳридан берилган ва радио орқали трансляция қилинган репортаждир. Бу репортажда областнинг саноат корхоналарида нормал иш қандай қилиб тикланаётганлиги тўғрисида гап боради. Иккинчидан, бу радиоэшиттиришда венгерларнинг Совет Иттифоқига сургун қилинаётганлиги ҳақида бир оғиз ҳам бўлмаган. Ниҳоят, Будапешт шаҳрининг мэри Кальман Понграц қуйидаги баёнотни беришни ўзи учун бурч деб билди: «Венгрияда контрреволюция маглубиятга учраганидан кейин контрреволюционерлар янги қурол ишлатмоқдалар — туҳматлар тарқатмоқдалар, Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги дўстликни бузишга уринмоқдалар, овозалар тарқатмоқдалар...

Туҳматчиларнинг айтишига қараганда, 12 ноябрда совет қўшинлари ёпларни ва госпиталларда ётган ярадор қўзғолончиларни ушлаб олиб, Совет Иттифоқига олиб кетган эмишлар. Бу бемаъни туҳмат эканлигини Венгрияда ҳамма билади, контрреволюционерлар бу уйдирмаларни ҳатто битта ҳам бўлса конкрет мисол билан исботлай олганлари йўқ ва исботлай олмайдилар. Бу ахмоқона ёлғон ва туҳматдан мақсад ҳақиқатни кенг жамоатчиликка билдириш эмас, балки реакциянинг енгилганлигини яширишга уринишдир.

Будапешт аҳолиси тинчлик ва осойишталик бўлишини истайди, хавфсизликда яшашни истайди, ҳаётнинг хавфсизлиги ва мол-мулкнинг бутунлиги гарантияланмаган, контрреволюционерлар шахсий эркинликнинг энг оддий тушунчаларини поймол қилган вақтларнинг қайтишини истамайдилар.

Ёлғон гаплар жонга тегди. Бизга тинч яшаш имкониятини берсинлар, биз қисқа вақт ичида ўз вазифамизни бажариб, Будапештни тиклаб олайлик. Бу ишда бизга мадад беришларини сўраймиз, токи бизга бунақа бесўнақай туҳматлар қилишни тўхтатсинлар. Жафокаш халқимизнинг тинч ривожланишини қийинлаштиришга уринмай қўяқолсинлар, бизга ҳар томонлама ёрдам бериб турган мамлакатга — Совет Иттифоқига туҳмат қилмасинлар».

Бу баёнотнинг остига Будапешт шаҳар кенгаши ижроия комитетининг раиси К. Понграц қўл қўйган.

Фактлар мана шу. Шунинг учун ҳам бу фактлар Лодж жаноблари-нинг шармандасини чиқармоқда. У, текшириб кўрилмаган овозаларни аниқ маълумотлар деб кўрсатиб, шундай аҳволга тушиб қолдики, бундай аҳволга Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек юксак ташкилотда йўл қўймаслик керак эди.

Сўнгра АҚШ вакили, «ўзаро хавфсизликни таъминлаш тўғрисида» деб аталган қонунга кўра, Америка конгресси томонидан ажратилган юз миллион доллар пуллардан «Шарқий Европа гражданларининг қорнини овқатга тўлдирин» учун фойдаланилмоқда деб даъво қилди. Фактлар ўжар нарса бўлади. Мана шу ўжар фактлар мазкур қонунга кўра чиқарилган маблағлардан ҳақиқатда одамларни тўйдириш учун фойдаланилмасдан, балки халққа қарши бўлган бутунлай бошқа мақсадлар учун, қора мақсадлар учун фойдаланилаётганлигини кўрсатади.

Воқиаларни ўз кўзи билан кўрган — контрреволюционерлардан тортиб олинган қурол-яроғлар сақланадиган складлардан бирини бориб кўрган совет журналистлари В. Шчеголев ва М. Маковеев қуйидагиларни ёзадилар: «Венгер ватанпарварларига, коммунистларига, илғор ишчиларига, халқ Венгриясининг активларига қарши ишлатилган хилма-хил ажал қуролларининг бунчалик кўплиги бизни ҳайратда қолдирди. Узун ва кенг пакгаузда минг-минглаб милтиқлар, карабинлар, автоматлар, пулеметлар, пистолетлар ва тўппончалар уйиб қўйилган, булар жуда хилма-хил системадаги ва маркадаги қуроллардир. Шу ерда бизга ўзи ўқланадиган америка карабинларини ҳам, «МГ—34» ва «МГ—42» маркали немис қўл пулеметларини ҳам, узун стволлик парабеллумларни ҳам, америка культларини, австрия гассерларини, Бельгия браунингларини, немис вальтерларини ҳам кўрсатдилар. Мана шу қуроллардан ҳаммаси Венгрияга чет мамлакатлардан юборилган қуроллардир. Йиртқич бандитлар Венгрия шаҳарлари ва қишлоқларининг тинч аҳолисини мана шу пулеметлар ва милтиқлардан, автоматлар ва тўппончалардан ўққа тутдилар. Ҳимоясиз хотинларни ва болаларни ўлдирдилар. Улар шу қурол ёрдами билан магазинларни таладилар, касалхоналарга ва госпиталларга бостириб кирдилар, разилона бандитлик ишларини қилдилар».

Ниҳоят, Лодж жаноблари шу нарсадан бехабар бўлиши мумкин эмаски, бу ерда, Нью-Йоркда «Венгрияга қурол етказиб берувчи фавқулодда комитет» бор. Ҳатто бу комитет 11 ноябрь якшанба куни Шато-Гардэнс биносида оммавий митинг ҳам ўтказди. Бу комитетнинг резолюциясида айтилганидек, у, Венгриядаги исёнчиларга «ҳар хил қуроллар-нинг ҳаммасини мумкин бўлган ҳамма йўллар билан тезроқ етказиб бериш»ни таъминлаш мақсадида актив иш бошлаб юборди.

Лодж жаноблари Американинг ўзи парувчилик ишлар учун маблағ ажратганлиги тўғрисидаги қонуни турли давлатлар тарихида мисли кўрилмаган қонун эканлиги ҳақида бу ерда қилинган ҳақли танқидлардан ўзини оқлашга уриниб, улуғ Авраам Линкольннинг арвоҳини бу ерда беҳуда безовта қилди. Маълумки, Линкольн ўз даврининг прогрессив тенденцияларини ифодалаб, қулдорларга қарши курашган эди. Лодж жанобларининг бу трибунада сўзлаган ва биз эшитган гапларига қараганда, у ва унинг ҳамфикрлари Венгрияда ва ҳаттоки Венгриядан бошқа жойларда ҳам умри тугаб қолган, халққа қарши бўлган энг реакцион кучларни ҳимоя қилиб чиқмоқда.

Ашаддий реакцияни ҳимоя қилмоқ учун Америка демократиясининг ҳақиқатан олижаноб традицияларини далил қилиб келтириш ва қўпорувчилик ишларига маблағ ажратилганлигини оқламоқ учун Линкольннинг улуғ номига мурожаат қилиш ҳаддан ташқари катта жасорат эмасми?

Агар Лодж жаноблари тарчи бу ерда ўзининг демократияга содиқлиги тўғрисида гапиришга уринган бўлса ҳам, аммо Венгрия масаласида унинг фикрдоши бўлган Испания ташқи ишлар министри бундай ниқобланишдан воз кечди. Бу ҳам тасодифий эмас. Артахо жаноблари ҳаммага маълум бўлган ўзининг эски майлларини яширишни лозим кўрмайди. У бу ерда 1956 йилдаги Будапештни 1936 йилдаги Мадрид билан таққослади. Бу ҳақиқатан ҳам ибратли таққослашдир, чунки Мадридда бўлганидек, Будапештда ҳам халқнинг соғлом кучлари, прогресс кучлари фашизмнинг қора кучларига қаршилик кўрсатдилар. Аммо, Мадридда фашистлар Гитлер ва Муссолининнинг ёрдами билан ғалаба қилиб халқни кулфат ва ҳуқуқсизлик гирдобига солган бўлсалар, Будапештда эса фашистлар тор-мор келтирилдилар. Ҳозир Испания делегатига алам қилаётган нарса худди шу бўлса керак.

Артахо жаноблари Куба делегациясидан ҳам ошиб тушмоқчи бўлди. У, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги кескин чоралар кўриш тарафдорлари «Испания ҳукуматининг қаттиқлиги ва қатъиятига кўз тутишлари» мумкин деб айтиб, дўқ қилишга ҳам уринди. Бу қоушқоқлик оҳангига қараганда, Мадридда баъзи бировлар «зангори дивизиянинг» аянчли тажрибасини унутабошлаганга ўхшайди.

Бу хилдаги чиқишлар кўпларни, айниқса яқиндагина иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ошир синоларнинг аччиқ кулфатини тортган мамлакатларнинг вакилларини хушёр қилиши керак эди. Бу ерда Дания вакили ўз мамлакатини титлерчилар оккупация қилган вақтдаги мушкулликларни еслаб ўтди. Пино жаноблари Бухенвальд даҳшатлари тўғрисида гапирди. Лекин буларнинг иккови қоралашга уринаётган Совет Армияси ўз қонини тўкиб Дания территориясининг бир қисмини озод қилган эмасмиди? Майданекдан, освенцимлардан ва бухенвальдлардан инсониятни қутқариш ишига ўзининг ҳал қилувчи ҳиссасини қўшган Совет Армияси эмасмиди?

Пино жаноблари, Спаак жаноблари ўзининг биринчи нутқида ва бошқа баъзи кишилар, биз социалистлармиз, деб лоф урдилар. Улар Артахо жаноблари билан бирликда Венгриядаги фашист фитначиларни ҳимоя қилаётганликлари уларнинг социалистик эътиқодларига қандай қилиб тўғри келади дейиш мумкин? Улар контрреволюцион исёнчилар томонидан Будапештда ва Венгриянинг бошқа шаҳарларида қилинган даҳшатли йиртқичликларни қораламоқ учун нега битта ҳам сўз тополмадилар? Ахир, бу йиртқичликларнинг суратлари улар ўқийоладиган журналлар ва газеталарда юзлаб босилиб чиққан эди-ку!

Мартино жаноблари бу ерда ҳуқуқ нуқтаи назаридан заррача қутилмаган бир далилни келтирди. У бизни, исёнчиларнинг идеологияси тўғрисидаги масала ва уларнинг ниятлари тўғрисидаги масала ҳеч бир аҳамиятга эга эмас деб ишонтирмоқчи бўлди. Бу билан у халққа қарши кўтарилган, Венгрияни фашистлар террори ва ҳуқуқсизлик гирдобига ташлаш хавфини тўғдирган исён қатнашчиларининг гуноҳларини олдиндан кечириб қўйди дейиш мумкин. Фашистлар террорининг курбонлари контрреволюцион исён қатнашчиларининг қўли билан ўлдирилган минглаб кишиларнинг ёрбиродарлари масаланинг бу тахлитда қўйилишига асло рози бўлмайдилар.

Жаноблар! Венгриядаги фашистлар исёнини ташкил қилганлар-ги халқаро ишчилар ҳаракатини жипслаштиришга ва бирлаштиришга ёрдам беради, уни чиниқтиради, холос.

Шундай қилиб, социалистик лагерь, мамлакатларига қарши қаратилган кенг сиёсий операция ўтказиш ниятида Ассамблеяда Венгриядаги воқиалар тўғрисида зўрлаб ўтказилган музокаралар шу музокараларнинг ташкилотчилари кутган натижаларни бермади. Бу музокаралар «совуқ муносабатлар урушини» тиклаш планларини фош қилиб ташлашга ёрдам берди, холос.

Лекин, бу ишнинг фақат бир томонидир. Иккинчи томони шундан иборатки, бу музокаралардан хунук сиёсий спекуляция учун фойдаланиш йўлидаги уринишлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўйига катта путур етказади. Бу музокараларнинг бошланишига сабабчи бўлганлар ишни қаёққа бураётганликларини охиригача тушунаётирларми? Жаҳоннинг бир неча ўн мамлакатини бирлаштирувчи халқаро ташкилот давлатларнинг бир группасини иккинчи группасига қарама-қарши қилиб қўйиш йўлига, идеологиядаги тафовутларга асосланган хусуматларни авж олдириш йўлига тушиши мумкин эмас.

Совет делегацияси, Куба делегацияси томонидан киритилган резолюцияни ўз асоси эътибори билан иғвогарлик резолюцияси деб ва унинг моҳиятини заррача ўзгартирмайдиган тузатишлари билан бирликда рад қилинишни лозим деб ҳисоблаб келди ва ҳисоблайди. Шу сабабли биз бу резолюцияга қарши овоз берамиз.

«Венгрия масаласи» деб аталган масала атрофида бир неча кундан бери Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу залида, шунингдек бутун капиталистик матбуотда атайин тўс-тўполон кўтарилмоқда. Бундан Венгрияга ҳеч бир манфаат йўқлиги ўз ўзидан кўриниб турган бир нарсадир. Ҳозир венгер халқи фақат бир нарсага муҳтож, у ҳам бўлса шуки, Венгрия шаҳарлари ва қишлоқларида нормал турмуш шароитини йўлга қўйиб олмоқ, бутун мамлакатда тартиб ва осойишталикни мустаҳкамламоқ учун имконият берилишига, социалистик Венгрияга қарши қора реакцион кучлар томонидан қилинаётган ярамас туҳматнинг тўхтатилишига муҳтождир.

Коммунистларга қарши ва советларга қарши ҳаддан ошган талвасанинг қучайтирилаётганлиги тасодифий эмаслиги равшан эмасми, ахир? Гоҳ венгерларнинг «сургун қилинаётганлиги» тўғрисидаги афсона ҳақида, гоҳ геноцид ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида эрталабдан тортиб то ярим кечагача зўрма—зўраки авж олдириладиган музокаралар олиб борилмоқда, империалистик агрессиянинг кучлари эса, мана шуни ниқоб қилиб, янги ҳатарли планларни тайёрламоқдалар, бу ҳақда Сурия республикасининг вакили Зайниддин жаноблари ҳозиргина шу минбардан туриб гапириб ўтди.

У айтдики, кейинги кунларда Исроил-Сурия ва Исроил — Иордания чегараларида агрессорнинг қўшинлари зўр бериб тўпланмоқда. Сурия осмонида ёт самолётлар зўр бериб изғиб юрибди. Бу фактлар мудҳиш огоҳлантиришдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу фактларни четлаб ўтиши мумкин эмас.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳозирги замон халқаро аҳволдаги ҳақиқатан муҳим ва ҳақиқатан кечиктириб бўлмайдиган проблемаларга ва аввало Англия, Франция ҳамда Исроил томонидан Мисрга қарши қилинган агрессия билан боғлиқ проблемаларга юз ўгирадиган пайти келмадимикин! Ахир, агрессорларнинг қўшинлари ҳали ҳам Миср территориясида турибдику. Империалистик агрессиянинг қора кучлари бошқа араб давлатларига ҳам қарши урош тайёрлаётганликларини кўрсатувчи бир-биридан мудҳишроқ фактларни ҳозир бу ерда эшитиб турибмизку. Мана шу масалалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида дарҳол муҳокама қилиниши кутиб турибди.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРНИНГ ВЕНГРИЯГА ЁРДАМИ

БУДАПЕШТ, 21 ноябрь. (ТАСС). «Непсабадшаг» газетасида бугун эълон қилинган ахборотда айтилишича, Венгрия ҳукумати Совет Иттифоқидан ва Польшадан 100 минг тоннадан кўмир, Чехословакиядан 60 минг ва Болгариядан 80 минг тонна кўмир олади. Кўмир жуда тошилинч суратда етказиб берилади.

БУДАПЕШТ, 21 ноябрь. (ТАСС). Бугун эрталаб Будапешт корхоналарида ишловчиларнинг сони кўпайди. Кўчалар тартибга солинмоқда, бир неча линияда автобуслар ва трамвайлар қатнамоқда. Метро икки кундан бери ишлаётир. Лекин ҳар қандай овоза ёки иғвогарлик пропагандаси тартибни жуда тез бузиб қўяди.

Кеча Венгрия темир йўлларидан бундан аввалги кундагига қараганда 110 поезд кўпроқ ўтди. Бу поездлар асосан, озиқ-овқат товарлари ортилган эшелонлар эди. Шу билан бирга пассажир поездларнинг сони ҳам анча кўпайди. Асосий темир йўл линияларининг ҳаммасида узоққа борадиган пассажир поездлар қатнамоқда.

МИСР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА, 21 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Миср ҳукуматининг расмий баёноти эълон қилинди. Бу баёнотда Мисрда юз бераётган воқиалар Мисрнинг фитна объекти бўлганлигини ва бўлиб қолаётганлигини ҳамда бу фитнада Англия ва Франциянинг асосий роль ўйнаётганлигини, Исроил эса уларнинг қўлида қурол эканлигини кўрсатади, дейилади.

Баёнотда агрессиянинг бошланиши билан боғлиқ бўлган воқиалар эслатиб ўтилади ва Исроилнинг қуролли кучлари Миср территориясига бостириб кирганидан кейин 24 соат ўтганда Англия ва Франция ҳукуматлари инглиз-француз қўшинларининг Порт-Саидни, Исмоилияни ва Сувайшни оккупация қилишларига рухсат беришни талаб этиб, Мисрга ультиматум юборган эдилар, деб кўрсатилади. Миср бу ультиматумни қабул қилишдан бош тортди, чунки бу ультиматум Мисрнинг ҳуқуқларини ва суверенитетини, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини бузади.

Мисрнинг таклифига биноан Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси чақирилди. Бу мажлисда урош ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида резолюция қабул қилинди. Бироқ, Англия ва Франция бу таклифга қарши чиқдилар. Бошқа сўз билан айтганда, улар Исроилнинг агрессияси ва унинг Миср территориясига бостириб киришига рози эканликларини билдирдилар. Шундай қилиб, Миср инглиз-французларнинг хоинларча ҳужум қилиш объекти бўлди. 31 октябрда инглиз-француз авиацияси Қоҳирани, Искандарияни, Порт-Саидни, Сувайшни ва Исмоилияни бомбардировка қилди. Инглиз-француз авиацияси Мисрнинг ҳарбий ва граждан аэродромларини ҳам бомбардировка қилди.

Шундай қилиб, — дейилади баёнотда, — Англия, Франция ва Исроилнинг Миср халқини бўйсундириш ва унинг суверенитетини ҳамда қонуний ҳуқуқларини камситиш учун уч мамлакат томонидан олдиндан ишлаб чиқилган фитнаси халқаро жамоатчиликка маълум бўлиб қолди.

2 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг мажлисида урош ҳаракатларини дарҳол тўхтатиш ва Миср территориясига бостириб кирган барча қуролли кучларни Мисрдан олиб чиқиб кетишни кўзда тутадиган резолюция қабул қилинди. Бироқ Англия, Франция ва Исроил бутун дунёнинг фикрини назар-писанд қилмадилар ҳамда Миср халқига нисбатан ўз агрессив планларини бажаришда давом этдилар.

5 ноябрда агрессорлар Порт-Саидга бостириб кирдилар. Бу шаҳар унга бостириб кириш олдидан ҳаводан узоқ вақт бомбардировка қилинди, натижада граждан аҳолиси ўртасида жуда кўп қурбонлар бўлди. Киши ҳуқуқларининг ҳаммаси ва инсонпарварлик принциплари поймол қилинди, дейилади баёнотда.

Порт-Саидда душман қаттиқ қаршиликка дуч келганлиги сабабли ва халқаро жамоатчилик фикрининг тазъйиқи ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сарф қилган куч ва ғайрати натижасида агрессив мамлакатлар уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида буйруқ беришга мажбур бўлдилар.

Сўнгра баёнотда айтиладики, Миср ҳукумати инглиз ва французларнинг Порт-Саиддаги йиртқичликлари тўғрисида фотоҳужжатлар ва фильм топшира олди. Яққол далил бўлган бу ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юборилди, токи БМТ га аъзо бўлган барча мамлакатларнинг делегациялари инсон ҳуқуқини бузиб қилинган ваҳшиёна ҳаракатларни кўриб била олсинлар.

Англия ва Франция, дейилади сўнгра баёнотда, кемаларнинг бемалол қатновини кўзда тутадиган ва Сувайш канали зонасида уруш ҳаракатларини тақиқлайдиган 1888 йилги Конвенцияни бузадилар. Улар каналда навигацияга тўсқинлик қилдилар ва барча халқаро иктисодий манфаатларни хавф остига қўйдилар.

Баёнотда, Совет Иттифоқи билан Миср ўртасида қандайдир тил бириктирилган, деган ёлғон даъволар рад этилади. Миср ҳукумати бу айбларнинг ҳаммаси Мисрга қарши қилинган ваҳшиёна агрессияни оқлаш ва Миср территориясини оккупация қилиш мақсадида атайин ўйлаб чиқарилган ёлғондан иборат, деб баён этилади.

Биз, дейилади баёнотнинг охирида, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги декларацияни бузган ва тинч халқимизга жиноятқорона ҳужум қилиб, инсонпарварлик принципларининг ҳаммасини назар-писанд қилмаган агрессорларнинг ҳаракатларини текширишни талаб қиламиз. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ҳамда унинг турли комитетларидан Халқаро Қизил Крест билан ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комитети билан ҳамкорлик қилиб, Мисрга қарши қилинган ваҳшиёна агрессияни текшириш учун комитет тузишни сурайміз. Миср ҳукумати агрессорларнинг жазоланишини талаб қилади, токи бутун дунё тинч яшай олсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Союзи Марказий Ижроия Комитетининг Раиси профессор Митеревга

МОСКВА.

Сизнинг телеграммангизни чуқур миннатдорчилик ҳислари билан олдим. Бу телеграммада совет халқининг миср халқининг ёвузлик ва агрессия кучларига қарши олиб бораётган курашига нисбатан билдирган олий ҳиммат ҳислари ифодаланган. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари орқали хоинона агрессия қурбонларига ёрдам кўрсатган совет кишиларининг бирдамлик ҳислари менда ва бутун миср халқида чуқур таассурот туғдирди. Бу олий ҳиммат ҳислар ва қийматбаҳо ёрдам учун Сизга ва совет халқига ўзимнинг энг самимий ташаккуримни йўллайман. Ўз ишининг ҳақ иш эканига ишонган миср халқи ғалабага эришади, мен бунга аминман.

Жамол Абдул НОСИР.

Иденнинг касаллигига доир

ЛОНДОН, 22 ноябрь. (ТАСС). Лондонда расмий эълон қилинишича, бош министр Антони Иден касаллиги муносабати билан уч ҳафта вақтни Ямайка оролида ўтказади.

А. Иденнинг Ямайкага жўнаб кетиши 23 ноябрга белгиланган.

Хроника

СССР Олий Совети Президиуми СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ўртоқ Вячеслав Михайлович **Молотовни** СССР Давлат контроли министри қилиб тайинлади ва шу муносабат билан ўртоқ **В. Г. Жаворонковни** СССР Давлат контроли министри вазифасидан озод қилди.

* * *

СССР Министрлар Совети ўртоқ В. Г. Жаворонковни СССР Давлат контроли министрининг ўринбосари қилиб тайинлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XIда **Ганг дарёсининг қизи**, 24/XIда **Аломат ҳодиса.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/XIда **Ромео ва Жульетта**, (билетлар сотилган), 24/XI да **Тоҳир ва Зуҳра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 23/XI да **Фарҳод ва Ширин**, 24/XIда **Азиз ва Санам.**

КИНОТЕАТРЛАРДА.

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун янги ҳинд бадиий фильми **Ворис.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эртадаб соат 10 ва кундуз 12 да **Барабанчининг тақдири**, кундуз соат 2 дан **Ворис.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Фарзанд туғилди.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ЮРИЙ ДУРОВ ГАСТРОЛЛАРИ

Томоша кеч соат 8 да бошланади.

«ТАШГОРОЧИСТКА» ТРЕСТИГА

юкчилар

КЕРАК

Адрес: Болгарские огороди кўчаси, 43-уй (5-трамвайнинг «Қорасув» остановкаси).

Колхозная кўча, Гармонь проезд, 27- уйда турувчи **Жўра Насриддинованинг** шу уйда турувчи Ҳамидулла Орифхўжаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3- участка халқ судида кўрилади.

Қалинин район, Сталин қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда турувчи **Носир Аббосовнинг** шу қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозда турувчи Маҳмуда Тўраевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Қалинин район, 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07798. «Қизил Ўзбекистон», «Правда» Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1567.